

МАКТАБ ТАРАҚҚИЁТ БЕШИГИ, УНДА МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ КАМОЛ ТОПАДИ

Кундузхон Ўришева,

*Наманган вилояти Учқўргон туманидаги Баркамол авлод болалар мактаби
тасарруфидаги 11-мактабда ташкил этилган Тасвирий санъат тўгараги
аъзоси.*

Аннотация: Мактаб, миллат, тараққиёт, камол топиш, таълим-тарбия, истиқбол, мамлакат, мустақиллик, бошланғич таълим, таълим дидиктика, қизиқишиш ва интилиш.

Калит сўзлар: Мактаб, дидактика, башланғич, истиқбол, тарбия, ёшлар, баркамол.

Маълумки, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим –тарбия ислоҳотлари жараёнида бошланғич таълимни ривожлантириш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Бундан кўзланган мақсад эса, юртимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларни замон талаблари асосида етук мутахассис кадрлар қилиб тайёрлашдан иборатdir. Шу мақсадда, бошланғич таълим дидактикаси асосларини идрок этиб олиш, уни дарс машғулотларида қўллаш, шу асосида ўғил-қизларнинг онгини ривожлантириш ҳамда фанга бўлган қизиқишиларини ошириб бориш мақсалга мувофиқdir. Шу ўринда Дидактика тушунчасига урғу берадиган бўлсак: Дидактика педагогика фанининг муҳим таркибий қисмидир. “Дидактика” сўзи лотинча бўлиб, ўқитиш назарияси ва қонуниятларини ўрганади. Дидактиканинг асосий категориялари куйидагилардан иборат: 1) ўқитиш; 2) таълим бериш; 3) ўқиш. Дидактиканинг ўқитиш категорияси таълимни илмий ва тизимли қонуниятлар асосида ташкил қилишни ифодалайди. Мазкур категория педагогиканинг негизи ҳисобланади. Дидактиканинг таълим бериш категорияси куйидагиларни билдиради: - билим

бериш; - маълумотлар узатиш; - ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш; - ўқиши жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш; - ўқувчиларнинг ижодкорлиги ва мустақиллигини шакллантириш; - ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолашдир. Юқоридаги категориялар педагогларнинг фаолияти давомида амалга ошиб бораверади. Ҳаммамизга маълумки, шахснинг камолотида, фаолиятида бошланғич таълимнинг ҳамда бошланғич синфларда олган билимнинг аҳамияти катта. Шу боисдан ҳам бошланғич синф ўқитувчиларидан катта масъулият, эътибор талаб этилади. Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, Дидактиканинг асосий вазифаси ўқув фаолиятини амалга оширишдир. Ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва интилишларини шакллантиришда ҳам бевосита дидактик ўйинларнинг ўрни бекиёс. Шу ўринда дидактика ҳақида гап кетганда Чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг (XVII аср) “Буюк дидактика” асари ёдга тушади. Бу асарда болапарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик ҳамда бағрикенглик сингари инсоний фазилатлар дидактиканинг асосий мезони сифатида эътироф этидали. Дидактиканинг мазкур тамойиллари ҳозирги замон таълим ва тарбия жараёнида қабул қилинган бўлиб, улар педагогик қонуниятлар сифатида қаралади. Мамлакатимиз таълим тизими халқларнинг илғор ривожланиб борувчи таълими Рўйхатига киритилган. Бошланғич таълим дидактикасининг хусусиятлари Ўзбекистон педагогик фанлари таркибида бошланғич таълим дидактикаси ўзига хос хусусиятларга эга. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бошланғич таълим дидактикасида асосий эътибор ўқитиши ва ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришига қаратилади. Шу сабабли 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб бошланғич таълим давлат стандартлари қайта кўриб чиқилди ва ўқув фанлари мақбуллаштирилди. Илк бор “Тарбия” ўқув фани яратилди ва таълим жараёнига татбиқ этилди. Энг муҳими бу фан бошланғич синфларданоқ ўтиладиган бўлди. Бошланғич синфларда мазкур фан ўқувчиларнинг онги, дунёқараши ва ахлоқини миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосан шакллантиришга йўналтирилган. Бугунги кунадаги асосий вазифаларимиздан бири Бошланғич таълим дидактикасида

ўқитишининг сифат ва самарадорлигига эришишдир. Айни пайтда, бошланғич таълим давлат стандартларига мувофиқ ўқитувчиларнинг турли ўқитиш услублари педагогик қонуниятлар асосида умумийлашади. Мавзуларнинг тушунтириш ва ўргатиш методлари асосида ёритилиши; - ҳар бир ўқувчининг мавзуларни ўзлаштиришга эришилиши ҳамда мустақил таълим олишга йўналтирилиши натижасида кўзланган мақсадга эришилмоқда. Қувонч билан айтиш мумкинки, Президентимизнинг ташаббуси билан жамиятда китобхонлик қадрияти қайта тикланди. Бунинг натижасида бошланғич таълим дидактикасида ҳам янгиланиш рўй берди. Унга кўра, бошланғич синф ўқувчиларинг китоб ўқишлари ва уларни муҳокама қилишлари бошланғич таълим дидактикасининг таркибий қисмига айланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Зухра Умарованинг, Бошланғич таълим дидактикаси мақоласи.
2. Интернет материаллари